

*Ретесен
иифрнест*

4620/NET-436 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкитлари) учун

Навоий ш.

2022 йил "01" январ

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "30"декабр даги 27-01-14/6032 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияниң Навоий_ филиали директори ДЖураев Ж.К. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Навоий доимийлик номидан Устав (Низом, рўйхатта олинганилик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи У.Р. исборине (кейинги ўринларда – Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргаликлар - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан холда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳукук ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган ҳукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳукук ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари тартиб этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилгандан ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солислар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир коз) фонз** микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкитоти бўлган** Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган холда) **3000000 (Уч милион)** сўмни ташкил этиади. Ушбу сумма _____ (_____) сўм микдоридаги Абонент тўловини хамда _____ (_____) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кептан тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичига ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиши йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вактинча тўхтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишина истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида reklama акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн)** иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилайдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир)** календарь ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги